

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**УДК: 657.6:336.14:378(575.1)**

**НОРҚУЧҚОРОВ АБДУЛАЗИЗ ЗИЁДУЛЛА ЎҒЛИ**

**ДАВЛАТ СЕКТОРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРДА  
СМЕТАЛАР ИЖРОСИ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08-«Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий  
даражасини олиш учун тайёрланган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари  
доктори, профессор Б.К.Хамдамов**

**Тошкент шаҳри – 2025**

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b>	3
<b>I БОБ</b>	<b>ДАВЛАТ СЕКТОРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРДА СМЕТАЛАР ИЖРОСИ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИНГ НАЗАРИЙ ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</b>	14
1.1-§	Давлат секторидаги олий таълим муассасаларда сметаларни тузишнинг зарурлиги ва ижроси жараёнининг хусусиятлари	14
1.2-§	Давлат секторидаги олий таълим муассасаларда сметалар ижроси ҳисоби ва ҳисоботининг назарий масалалари	32
1.3-§	Давлат секторидаги олий таълим муассасаларда сметалар ижроси ҳисоби ва ҳисоботининг ҳуқуқий асослари	49
	I боб бўйича хулоса	58
<b>II БОБ</b>	<b>ДАВЛАТ СЕКТОРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРДА СМЕТАЛАР ИЖРОСИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА ҲИСОБОТИНИ ТУЗИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b>	61
2.1-§	Давлат секторидаги олий таълим муассасаларда бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметалари ижроси ҳисобини юритиш	61
2.2-§	Давлат секторидаги олий таълим муассасаларда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалар ижросини ҳисобга олиш амалиёти	74
2.3-§	Давлат секторидаги олий таълим муассасаларда сметалар ижроси туғрисидаги ҳисоботлар ва уларнинг таҳлили	96
	II боб бўйича хулоса	107
<b>III БОБ</b>	<b>ДАВЛАТ СЕКТОРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРДА СМЕТАЛАР ИЖРОСИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА ҲИСОБОТИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b>	109
3.1-§	Давлат секторидаги олий таълим муассасаларда сметаларни тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш	109
3.2-§	Давлат секторидаги олий таълим муассасаларда сметалар ижроси ҳисобини такомиллаштириш	124
3.3-§	Давлат секторидаги олий таълим муассасаларда сметалар ижросига оид ҳисоботларнинг ахборот имкониятларини ошириш йўллари	134
	III боб бўйича хулоса	146
	<b>ХУЛОСА</b>	148
	<b>ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>	152

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда давлат олий таълим муассасаларининг бухгалтерия ҳисобини самарали юритиш ҳамда ушбу ҳисобни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор изланишлар амалга оширилган. Шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, Европа мамлакатлари олий таълим тизимидаги молиялаштириш масалалари, олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбалари ва уларнинг жами маблағларга нисбатан эгаллаган улушлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йилларда тўлов-контракт маблағлари ва ҳомийликдан келадиган даромадларини ошириш сиёсатига қарамай, «Европа олий таълим муассасаларида ҳали ҳам давлат бюджетидан молиялаштириш салмоқли улушни эгалламоқда ҳамда бюджет маблағлари жами даромадларининг тахминан учдан икки қисмини ташкил этмоқда»<sup>1</sup>. Бугунги кунда халқаро бухгалтерлар федерацияси (IFAC) тавсиясига кўра, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар олий таълим муассасаларида сметалар ижроси ҳисобини юритишда Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларидан фойдаланиш молиявий ҳисоботлардаги маълумотларнинг шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

Жаҳонда олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбалари бўйича молиявий режаларни шакллантириш, уларнинг ижросини амалга ошириш ва натижадорлигини таъминлашда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотларда олий таълим муассасаларининг молиялаштириш манбаларини самарали ташкил этиш, даромадларини тўғри шакллантириш, шакллантирилган маблағларни мақсадли сарфлаш, тақдим этилаётган ахборотларни очиқлигини таъминлаш ва ҳисобдорликни ошириш каби масалалар ўз ечимини топган. Аммо, мазкур ишларда олий таълим муассасаларида сметалар ижроси ҳисобини ташкил этиш ва юритиш

---

<sup>1</sup> European Tertiary Education Register ETER №2/2019 y. from the analytical database.

тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича умумий мулоҳазалар берилган. Уларда сметалар ижроси ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар комплекс тадқиқот шаклида алоҳида ўрганилмаган.

Ўзбекистон олий таълим тизимидаги олиб борилаётган ислохотларда таълим сифатини ошириш орқали иқтисодиёт тармоқлари учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида бир қатор давлат олий таълим муассасаларига академик, ташкилий бошқарув, молиявий мустақиллик берилди. Бу эса, ўз навбатида, «олий таълим муассасасининг ўрта муддат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш, уларнинг ижросини муҳокама қилиш»<sup>2</sup> бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш имкониятини яратган. Мазкур ҳолат, давлат секторидаги олий таълим муассасаларда сметалар ижроси ҳисоби ва ҳисоботини самарали юритиш, кузатув кенгашлари бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ҳолис, объектив, ишончли ва мустақил ахборотларни тақдим қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Олий таълим муассасаларида маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланишини таъминлаш учун сметалар ижроси ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон ««Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»<sup>3</sup>ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847 – сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ – 60-сон «Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-61-сон ««Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

таъминлаш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида»<sup>4</sup>ги ҳамда ПҚ–61–сон «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора–тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги 967–сон «Олий таълим муассасаларини босқичма–босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ва мазкур соҳага оид бошқа норматив–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-60-сон «Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий–бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)